



1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

5 май, жума, 1995 йил  
Сотувда эркин нархда. № 86 (1088)

# БУГУН ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ МАЖЛИСИ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ИШ БОШЛАЙДИ

## ОЛИЙ МАЖЛИС КЕНГАШИДА

**Кеча вилоят ҳоқимлари ва Тошкент шаҳар ҳоқими, шунингдек Парламентда доимий асосда ишлаётган депутатлар иштирокида Олий Мажлис Кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.**

Кенгаш мажлисини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов олиб борди. Мажлисида Олий Мажлис иккинчи сессиясини тайёрлаш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Республика Бош вазир А. Муталовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ Хукумат янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз вазифаларини зиммасига муносиб ҳаёт яратиш имкониятини беради. ХВЖ фармойиш берувчи директори жаноб Мишель Камдессо қадимий ва бой маданиятга эга Ўзбекистонга келишни азалдан орозу қилиб юрганини, ўз таширига Ўзбекистон учун буюк ўзгаришлар даврига тўри келганидан мамнуллигини изҳор этди.

## РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚҮМИТАСИДА

**4 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг йилги мажлиси бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Абдурафиқ Аҳадов бошқарди.**

Йилги мажлисда Президент Исроил Каримовнинг Олий Мажлис биринчи сессиясида «Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари» ҳақидаги маърузасида уртага қўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича қўмита олдида турган вазифалар муҳокама қилинди ва уларни бажариш бўйича иш режаси тасдиқланди.

Йилги мажлисда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг биринчи муовини З. Собировнинг 1994 йил якуни ва пул-кредит сиёсатининг 1995 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Банклар фаолиятидаги

амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ва бу соҳадаги камчиликлар муҳокама этилди. Хусусан, мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад, миллий валютамиз — сўмини мустаҳкамлаш, босқичма-босқич унинг жаҳоннинг кучли валюталари билан эркин алмашувига эришиш эканига, бу соҳада талай ишлар бажарилгани ва 1995 йил шу масалани уziel-кесил ҳал қилиш лозимлигига эътибор қаратилди.

## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси бугун, 5 май куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залига очилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТГА

Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси депутatlари бугун, 5 май куни соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойсесида рўйхатта олинди.

(Сессияга бағишланган мақолаларни газетанинг 2- ва 3-бетларида ўқийсиз).

(УЗА).

(Сессияга бағишланган мақолаларни газетанинг 2- ва 3-бетларида ўқийсиз).

сулоллари синов учун юборилди.

Амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига «Ўзэлектротехника» ассоциацияси билан биргаликда республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги муносиб ҳисса қўшди. Шунингдек, 1995 йилнинг феврал ойида Сеулда Ўзбекистонда электроника маҳсулотлари таркибий қисмларининг экспорт имкониятларини яратиш бўйича эришилган келишувга мувофиқ, республикамиздаги электроника саноатининг етакчи корхоналари иши пухта текширилиб, тақлиф лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Шу нуктага назардан келиб чиқиб, «Фотон» ишлаб чиқариш бирилмаси ва «Самсунг» урта-сизда қўшма лойиҳа ишлаб чиқилди. Ана шу ҳужжатта биноан, июль-август ойида «Фотон» «Самсунг»га юқори қувватли ўзгарувчан токни ўзгармас токка айлантирадиган асбобларини етказиб беради. Бу эса рангли

тузди. Комиссиянинг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрдаги юқорида қайд этилган кодексларни амалга киритиш тўғрисидаги қарорини ижро этиш юзасидан, шунингдек 1959 йил 21 майдаги Жиноят кодексига кўра ҳужалик ва бошқа жиноятлари учун ҳукм этилган, 1994 йил 22 сентябрдаги Жиноят кодексига мувофиқ эса жиноий ҳисобланмайдиган қилмишларини содир этган шахсларни овоз этиш ишларини илдам амалга ошириш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туришдан иборат деб белгиланди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ваколат доирасига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

## САМИМИЙ ҚҮТПОВЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Иордания Ҳошимийлар подшолиги халқи, ҳукмати ва мен муқаддас Қурбон Ҳайити муносабати билан Сиз жаноби олийларига, қардош Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига энг самимий қутловларимизни йўллаймиз.

Мана шу аjoyиб имкониятдан фойдаланиб, Сизга бўлган юксак ҳурматимни билдирмоқчиман ва энг қайноқ, қардошлиқ тилакларимни йўллайман. Бу муқаддас байрам мамлакатингиз ва бутун муслмон миллатига равақ ва фаровонлик олиб келсин.

ХУСАЙН,  
Иордания Ҳошимийлар подшолиги подшоиси.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муқаддас Қурбон Ҳайити муносабати билан Сиз жаноби олийларига энг қайноқ қутловларимни йўллаш менга мамнуният бахш этди. Сизга бахт-саодат, шунингдек, мамлакатингиз халқига равақ тилайман.

Қамол эҳтиром ила  
Зайд ибн Султон Ол НАХАЙАН,  
Бирлашган Араб Амирликлари  
Президенти.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муқаддас Қурбон Ҳайити муносабати билан Сиз жаноби олийларига энг самимий табрикларимни йўллаш менга мамнуният бахш этди. Сизга сийҳат-саломатлик, шунингдек, мамлакатингиз халқига равақ ва фаровонлик тилайман.

Султон ибн Зайд Ол НАХАЙАН,  
Бирлашган Араб Амирликлари  
Бош вазирининг ўринбосари.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муқаддас Қурбон Ҳайити муносабати билан Сиз жаноби олийларига энг қайноқ қутловларимни йўллаш менга мамнуният бахш этди. Сизга бахт-саодат, шунингдек, мамлакатингиз халқига равақ тилайман.

Қамол эҳтиром ила  
Зайд ибн Султон Ол НАХАЙАН,  
Бирлашган Араб Амирликлари  
Президенти.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муқаддас Қурбон Ҳайити муносабати билан Сиз жаноби олийларига энг қайноқ қутловларимни йўллаш менга мамнуният бахш этди. Сизга бахт-саодат, шунингдек, мамлакатингиз халқига равақ тилайман.

Қамол эҳтиром ила  
Зайд ибн Султон Ол НАХАЙАН,  
Бирлашган Араб Амирликлари  
Президенти.

## ИШГА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШАЙЛИК

**Республика Мева-сабавот ва узумчилик саноати уюшмаси бошқарувининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда уюшманинг агрофирмалари ҳамда саноат корхоналари раҳбарлари қатнашди.**

Мажлисида кишлоқ ҳўжалиги ва саноатда жорий йилнинг тўрт ойи мобайнида амалга оширилган ишлар натижалари, республика Президентини ва ҳукуматининг ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган ҳужжатларини баҳарлири ш аҳоли таҳлил этилди. Ўзбекистоннинг бой заминиде етиштирилган ноз-нетьматларни қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш уюшма таркибидеги корхоналар зиммасига юклатилди. Бирок, «Ўзмевасабавотузумсаноат» да бажарилаётган ишлар бугунги кун талабига жавоб бермапти. Соҳадаги саноат корхоналарини хусусийлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар қониярли эмас, кишлоқ ҳўжалигида эса ушбу тадбирлар номингагина ўтказилмоқда. Тайёр маҳсулотлар рақобатбардор эмаслиги тўғрисида сўзга кичдан республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўра

беков ана шулар хусусида тўхталди. Мажлисида ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайтириб юборган корхоналар раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Уюшма бошқарувининг қарорига кўра, бозор муносабатлари шартотида тадбиркорлик ва омиклорлик билан иш юритишга ноқобил раҳбарлар, жумладан, Булунгур вино комбинати директори О. Икромов, Фазалкент вино-озик-овқат комбинати директори Р. Нуртөев, Булунгур куруқ мевалар заводи директори Ф. Зайноев, Нукус консерва заводи директори О. Ибодуллоев ва Фалларол консерва заводи директори И. Тўратов эғаллаб турган лавозимлардан бўшатилади.

Мева-сабавот маҳмунида ишлаб чиқариш ҳажмининг оширилиши шунингдек, маҳсулот сифатини яхшилаш борасида чора-тадбирлар белгиланди.

Тадбирда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосари М. Усмонов иштирок этди.

(УЗА).

## Ўзбекистон — ХВЖ:

## РЕЖАЛАР АМАЛГА ОШМОҚДА

**Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Президентини Исроил Каримов ва Халқаро валюта жамғармасининг фармойиш берувчи директори Мишель Камдессо 3 май куни маҳаллий ва хорижий журналистлар билан учрашди.**

Исроил Каримов учрашувда Халқаро валюта жамғармасининг иқтисодий ислохотларини амалга ошириш борасида со-биқ иттифоқ ҳудудида вужудга келган мустақил давлатларга, жумладан Ўзбекистонга бераётган ёрдамга юксак баҳо берди.

— Халқаро валюта жамғармаси берадиган кредитлар истиқлолга эришган мамлакатлар учун гоят муҳим, — деди Ўзбекистон раҳбари. — Бирок, биз ХВЖ билан ҳамкорликни янада кенгроқ тушунамиз. Ислохотларнинг стратегияси ва усулини белгилаш, иқтисодиёт тизимини ўзгартариш борасидаги қимматли маслаҳатлар, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги кўмак биз учун катта аҳамият касб этади.

1995 йил 25 январда Халқаро валюта жамғармасининг ижроия кенгаши Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар дастурини маъқуллади. Айни пайтда биз ана шу дастур асосида иш олиб бора-рмиз. Шуниси қувончлики, ўтган муддат ичида биз кўп соҳалар бўйича дастурда белгиланган ишларни бажаришга эришдик.

Исроил Каримов пул кадр-сизланишининг олдини олиш олдинда турган асосий вазифалардан бири эканини таъкидлади. Январ ойида пул кадрсизланиши 16 фоиз, февраль ойида 7,8 фоизни ташкил этган бўлса, апрель ойида бу кўрсаткич қарийб 7 фоиздан иборат бўлди.

Мамлакатимиздаги нефть маҳсулотлари ва газ нархларини жаҳон нархларига мувофиқлаштириш борасида қилинган тадбирлар инфляциянинг ўсишига асосий сабабдир. Айни пайтда каттик мо-лявий сиёсат юритиш, давлатнинг ишлаб чиқаришга оид бўлмаган харажатларини қисқартириш, хусусийлаштиришни кенгайтириш орқали Ўзбекистонда йил охирига пул кадрсизланиши даражасини 2 фоизга тушириш режалашти-

рилган. Албатта, эмиссиядан тийилиш давлатнинг кучли ижтимоий сиёсатдан воз кечишни аналтмайди. Президент таъкидлаганидек, бундан бўён ҳам аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини давлат йўли билан ҳимоя қилиш, ишлаб чиқаришнинг стратегик йўналишларини қўллаб-қувватлаш давом этади. Рақобатбардорш-ли маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналарни рағбатлантириш, нефтни қайта ишлаш, автомобилсозлик заводи каби истиқболли корхоналарни кредит билан таъминлаш кўп ўтмай яхши самаралар келти-ради. Бирок, давлат бундан бўён зарарга ишлаётган кор-хоналарга кредит бермайди. Бундай корхоналар хусусийлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини бозор талабларига қараб ўз-гартариш йўли билан инкйроздан чиқиши керак.

Провардида иқтисодиёт давлат назоратидан чиқиши ва ўз қонунларига кўра ривожланиши лозим. «Давлат омон бўлса хор бўлмаймиз», қаби-лидаги эскича текинхўрлик қайфиятларидан воз кечиш пайти аллақачон ётди.

Пул-молия соҳасида кучли сиёсат олиб бориш биланги-на халқимизга фаровон тур-муш ярати оламиз. Пул кадр-сизланишига олиб келадиган эмиссияни қўйғариш асли-ни олганда иқтисодиёт учун зарарлидир. Эеро, инфляция эришаётган ютуқларимизни ямлаб юборади.

Жаноб Мишель Камдессо-нинг мамлакатимизга ташири-фи биз учун катта воқеадир, деди Исроил Каримов. — Асо-сий масалалар бўйича Ўзбек-истон раҳбариятининг фикри Халқаро валюта жамғарма-си фикрига мос келмади.

Уч йиллик ҳамкорлик даво-мида биз халқаро молиявий ташкилот билан алоқалар-ни мустаҳкамлаш лозимлиги-га амин бўлдик. ХВЖ мамла-катимизнинг ўзига хослигини

Амиркул КАРИМ,  
(УЗА).

## ЮБИЛЕЙГА ТАЙЁРГАРЛИК

4 май куни Вазирлар Маҳкамасида жаҳон фани ва маданияти равақига, айниқса, Марказий Осиё халқларининг маънавий тарихига таълим ва таълимчиларнинг алоқалар — Аз-Замашарин таваллудининг 920 йиллиги ва Нахмиддин Кубро таваллудининг 850 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташкилий қўмита раиси С. Сандқосимов бошқарди.

Мажлисида улуғ алломалар таваллудини нишонлаш билан боғлиқ тайёргарлик ишлари, улар қолдирган маънавий меросини ўрганишни янада яхшилаш, асарларини нашр этиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисида Хоразм вилоятининг ҳокими М. Жуманшөв, шунингдек, тегишли вазирлик ҳамда муассасалар вакиллари, таниқли ёзувчи ва олимлар иштирок этди.

(УЗА).

## Бозор ижобати

## «САМСУНГ» ЎЗБЕКИСТОНГА ДАДИП КИРИБ КЕЛМОҚДА

Бу эса ўзимизда электроника саноатини барпо этиш имконини бераётир

**Сифат бўйича жаҳон андозалари саноатдан ўтказиш мақса-дида «Фотон» ишлаб чиқариш бирилмаси яқинда бу ерда тайёр-ланган 20 турдан кўпроқ электроника бирилмасини намуна-ларини Жанубий Кореяда машхур бўлган «Самсунг электроникс груп» фирмасига юборди. Бу билан жаҳон бозорига ишочли қўшма қўшилди.**

Бугунги кунда Ўзбекистон са-ноатининг турли тармоқларини жоуладан, электроникани рив-ожлантириш учун муайян им-кониятларга эга. Бирок биз тех-нология ва маҳсулот сифати бўйича ҳали дунё мезонидан ор-қадамиз. Муддаога эса элект-роника соҳасининг пешқадам фирмаларининг кўмагисиз эри-шиб бўлмайди. «Самсунг элект-роникс» — шулардан биридир. Бундан анча йил аввал қатор корхоналаримиз ушбу фирма билан шартнома тузишга кири-шган эди. Лекин бу ўз самараси-ни бермади. Чунки Жанубий ко-реялик ишбилармонлар жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборига пу-тур етишидан чўчишди.

Ва, нияҳот, ўзаро фойдали ҳамкорликнинг гилдираги кўриб турганингиздек, секин-аста ҳа-ракат қила бошлади. Бунда Ўз-бекистон Президентини И. Кар-имовнинг яқинда Корея Респу-бликасига қилган давлат ташири-фи туртки бўлди. Расмий учра-шувлар баробарида юрбошиси «Самсунг электроникс груп-пинг» раиси, жаноб Жин Ку Коиғ билан ҳам суҳбатлашди. Мулоқот чоғида эса электроника соҳасида икки томонлама са-марали ҳамкорлик қилиш маса-лалари муҳокама қилинди. Пре-зидентимизнинг мустақил Ўзбек-истонни ривожлантириш бўйи-ча режалари, унинг билдимду-лик билан бу жарағна ёндашу-ви Жанубий корейлик ишбилар-монларни қўйил қолдирди. Оқи-

(УЗА).





Табиат ва инсон

Баҳор бу йил Нурота тоғларига эрта келди. Оқтов этаклари баҳмал элак билан қолланди.

Неварам билан тоғга йўл олдик. Боласи тушмағур мени саволга тутавериб, ҳол-жонимга кўймайди.

Тоғларнинг яратилиш сабабини, ёруғ дунёдаги ўрни, аҳамиятини тушутирдиман унга.

Тоғ этагидан анча доривор гийҳ тердик, тур-турига ажратиб, ҳуржинга жойладик.

— Умрим шу яйловларда ўтди, — деди у. — Ҳозир нафақадан.

— Мен гийҳлардан дори тайёрлаб, табиблик қиламан. Бобо-неварга гийҳ тергани келгандик.

— Ҳозир ҳам борми? — Қаёқда дейсиз, яқин йиллар ичда кўрмадим.

— Охуларчи? — Охулар ҳам қирилиб кетди.

— Ху-у, чўққини кўрмасизми — деди у кўлини тоғ томон бигиз қилиб, — оғдоб бетида анзур пиёзи ўсади.

— Менга айнан бех ҳазор буларди, ҳозир йўқлиб кетган. — Менга айнан бех ҳазор зарур бўлганлиги учун унинг қаерда ўсишига қизиқдим.

Чўпоннинг қалби изтироб чекарди. Ноинсоф овчилар дастидан бу тоғларда на оху, на алкор, на каклик қолмаганидан ачиниб гапирарди.

Шу пайт у бирдан гагидан тўхтаб, узоққа тикилиб қолди. Бир одам тоғ томон отини елдириб борарди.

— Анали одамни кўрапсизми? — Ҳа, кўрапман, ёнида иккита тозиси, милтиғи ҳам борга ўхшайди.

— Усар овчи деганлари у. Уни бизда ўжар овчи ҳам дейишадими? — Шунчалик бағри тошми? — Тош ҳам гағми, метин.

— Дастидан бу атрофда жонивор қолмади. Неча марта айтдик: ҳеч бўлмаса болалаётган пайтда ов қилма, улар ҳам худонинг жоноти, уволига қолсан!

— Уволни билмаган, қарғишдан кўрқмаган одам Худонинг қаҳрига учрайди...

— Менинг бу гағим далда бўлди шекли, чўпон дард тўла халтасини очди.

— Бахил тоғ этагида бир бераҳим овчи яшаркан. У табиатқа қирон келтиришда, шафқатсизликда дунг чикарган экан.

— Кунлардан бир кун, барча жонот уя кўйиб, бола очган баҳор фаслида у она охуни домига туширибди.

— Дилим ўртаб, нола қилаётган ким бўлди экан, — деб овчи бошини кўтарибди.

— Эй, сайёда, икки нарасида гўдагим бор. Чўлда сувсиз, овчи бўшатадиган аҳмоқ йўқ, — дебди ҳожил овчи пичоғини қайраб.

— Сендан сўнгги ўқинчим, бориб — болаларимни бир тўйдириб келай, майли сўнгра гўштини қабоб қилсан ҳам розиман.

— Болаларинг билан нима ишим бор. Мени алдаб кетмоқчимисан? Анойи одам йўқ. Мени ўжар овчи дейдилар, — дебди-да кўзларига чон тўлиб, пичоғини оху бўзига тўрғилабди.

— Шунчалик бағри тошми? — Тош ҳам гағми, метин. Дастидан бу атрофда жонивор қолмади.

қатсиз, йўлларимга интизор бўлиб қотишайтир. Уларга раҳминг келсин, мени кўйиб юбор!

— Инсмисан-жинсмисан, нимасан ўзинг, — дебди хайратланиб.

— Инс ҳам, жинс ҳам эмасман, она охуман. Одам тилида гапирмасан сен тушунмас эдинг.

— Оллоҳнинг иродаси бу, — дебди оху кўзларидан дув-дув ёш тўкиб.

— Сени узоқ пойладим, кўлга туширилмай кўп доғда эдим, ниятига етдим. Кўлидаги овчи либди:

— Она оху фарёдидан нафақат одам қалби, балки мана бу тоғ тошлари ҳам симиб бўлиб эриди.

— Шу оху ўрнига қанча гўшт керак бўлса, мен тоғи берман. Сомон рангига раҳи эт, бунча бағри тош бўлма!

— Дарвешнинг ялғини ёлғориши жаллодга қор қилмабди.

— Оху оёқларини еч эй, инсон, она дийдорига зор болаларини эмизиб келсин...

— Бўшатсам, у қайтиб келмайди, шунга ҳам билмайсамми, нодон — дебди овчи дарвешга ўдағайлаб.

— Оху келмаса, ўрнига мени сўй. Унинг келшига мен қафилман.

— Овчи гангиб қолди. Охуни бўшатишга мажбур бўлибди.

— Унинг оёқларини еча туриб: — Бор, болаларингни эмизиб кел. Келгунингча, гаровга дарвешин олиб қолганимни унутма, — дебди.

— Оху кўзларидан шашкатор ёш тўкиб, болалари томон чопибди. Келса, икки нарасида сиз бедор, йўлларига интизор бўлиб ётган экан.

— Оху болаларини бағрига босибди, зор-зор йиғлаб уларга нола қилибди:

САЙДИНГ КҲҲЯБЕР, САЙЁДА...



улларнинг дардига малҳам бер», деб нола қилибди-да, овчига дебди:

— Оху оёқларини еч эй, инсон, она дийдорига зор болаларини эмизиб келсин...

— Бўшатсам, у қайтиб келмайди, шунга ҳам билмайсамми, нодон — дебди овчи дарвешга ўдағайлаб.

— Оху келмаса, ўрнига мени сўй. Унинг келшига мен қафилман.

— Овчи гангиб қолди. Охуни бўшатишга мажбур бўлибди.

— Унинг оёқларини еча туриб: — Бор, болаларингни эмизиб кел. Келгунингча, гаровга дарвешин олиб қолганимни унутма, — дебди.

— Оху кўзларидан шашкатор ёш тўкиб, болалари томон чопибди. Келса, икки нарасида сиз бедор, йўлларига интизор бўлиб ётган экан.

— Оху болаларини бағрига босибди, зор-зор йиғлаб уларга нола қилибди:

Болаларим эминлар-да, тўйинлар. Бу кундан сўнг «Она» дери кўйинлар.

Ажал ҳайдаб борган экан қомига, Тушдим бу кун бир овчининг домига.

Кутулмоғим гумон эди тузоқдан Шу он келди бир мўйсифид узоқдан

Ишонмас — бу гапни айтсам бировга, Кутқарди мени, ўзин кўйиб гаровга.

Тезроқ эминг, болаларим, кетайин Бир бегуноҳ ҳақни озод этайин.

Гоҳ йиқилиб, гоҳ сурилиб икки гўдак оху она сийнасига ташланибди.

— Икки гўдаги билан қайтиб келган охуни кўриб, овчи лол қолди.

— Она оху мўйсифид дарвешга таъзим айлаб, ҳамду санолаб ўқиб, болаларини эргаштириб, тоғ томонга — ўз манзили сари кетибди...

Чўпон ривоятини шу ерда тугатди. Биз бобо ва неварга берилди тингладик.

Қарасак, қўш тоғ ортига бош қўйиб деб қолди. Чўпон билан хайрлашиб, яна унрашсини ният қилиб, йўлга тушдик.

Бораяпмиз-у, қулоқларимга она охунинг, икки нарасида боласининг фарёди эшитилгандек бўлавердик.

Уларни улимдан асраб қолган мўйсифид дарвешни сўзласам, негадир шу ривоятни сўзлаб берган ўша чўпон қиёфаси кўз олдимга келди.

Кудратилла ҲАЙДАРОВ.

ҲАЁТ МАЗМУНИ

Жалол ота Уринбоев урушинг дастлабки ойларидаёқ фашизмга қарши курашга овланганлардан. Апто унинг жонговар ҳаёти қонли муҳорабалардан бутунлай бошқа томонда ўзга юрда ўтди.



Жалол Уринбоевнинг асосий жанговар фаолияти ўзга юрда ўтган бўлса-да, унга Ғалабани Германияда кўтиб олиш насиб этди.

Жалол Уринбоевнинг меҳнат фаолияти Ўзбекистоннинг деярли бутун худудига дахлдор: урушдан олдин Бухородаги йирик тикувчилик фабрикасида ишлаганди.

Ғалабани сўнг Ватанимиз энгил саноатининг таянчлари бўлган Чирчиқ, Янгиўл ва Хоразмдаги тикувчилик фабрикаларига раҳбарлик қилди.

Шўрчидаги жун-қаноп заводини ишга туширишга бош-қош бўлди. Ётмишинчи йилларда Гулистонда қурилатган йирик тикувчилик фабрикасига ҳам Жалол ота Уринбоевдек тажрибали раҳбар керак эди.

Шундай қилиб тинимсиз кучишлардан сўнг эндигина Янгиўлда муқим яшайман деганда, уни Мирзачўл чорлади.

Жалол ота бу ердан 1976 йилда, фабрика тўта қувват билан ишлаб бошлаётган, фахрийликка чиқди.

Республика аҳамиятидаги фахрий Жалол ота Ғалаба байрами арафасида 80 ёшга тўлди. Беш ўғил ва беш келин, набиралари, қуршовида юртга ош берди. Табаррук ёшида кўксига яна бир нишон пайдо бўлди.

Бу — «Жасорат» медали. «Менинг хизматларим учун берилган энг юксак мукофот мана шу» дейди, қувонч билан нуруний отахон.

Ш. АҲМАДАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ғалабанинг 50 йиллиги

«СЕМУРҒ» ВА «ЮБИЛЕЙ» ЛАР ТОПШИРИЛДИ

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида «Дустлик» маҳалласи билан «Электроаппарат» заводи ҳамкорлида Ғалабанинг 50 йиллиги байрамига бағишлаб тантанали маросим ўтказди.

Маросимда республика ижтимоий таъминот вазири Б. Умарзоқов ва туман ҳокими Б. Юсуповлар ташиф буюришиб, уруш фахрийларини шонли сана Ғалабанинг 50 йиллиги билан қулади.

Бугунги кунда 3050 нафар аҳоли истиқомат қиладиган «Дустлик» маҳалласида 370 уруш қатнашсини яшамоқда.

Тантанали маросимда уруш қатнашчилари ва мамлакат ичкарида ишлаган меҳнаткашларнинг бир гуруҳига юбилей медаллари, фахрий унвон топирилгани тўғрисидаги гувоҳномалар ва ёрликлар топирилди, шунингдек, «Электроаппарат» заводи раҳбарияти уларга «Семурғ» телевизорларини тақдим этди.

Шавкат РЕЖАПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

ПРОФЕССИОНАЛ ТЕННИСЧИЛАР «БУЮК ИПАК ЙЎЛИ»ДА

Эртага пойтахтимизда теннис бўйича «Буюк ипак йўли» сателлит турнири бошланади. Турнирда иккинчи марта ўтказилаётган бу турнирда АКШ, Исроил, Аустрия, Германия, Франция, Италия, Руминия, Испания, Чехия, Словакия, Швейцария, Беларусь мамлакатларидан келган теннисчилар қатнашади.



Ушбу турнирни ўтган йилгидан ҳам оқори ушқоқлик билан ўтказиш учун ортимида катта тайёрлик қилинди. Ўтган йилги бағлашулар «Динамо» ўйингоҳининг эски кортларида ўтказилган эди.

довнинг бир йил ичда жаҳон профессионал теннисчилари ўртасида 691-уриндан 224-уринга кўтарилганлигини эътироф этиш керак.

«Буюк ипак йўли» сателлит турнирининг «иккинчи рақамли» теннисчиси жисобланапти.

Ортимиз теннис муҳлислари «Буюк ипак йўли»да, шунингдек, ўтган йилги турнирдан яхши таниш бўлган Коррада Чабусчини (Италия), Тал Харел (Исроил), Штефан Ляйнер (Австрия), Даниэл Маркерт (Германия) каби профессионал теннисчиларни кўришлари мумкин.

Мамлакатимизнинг яна бир истеъдодли теннисчиси Дмитрий Томашевич ушбу турнирда ўзининг рейтинг оқчаларини янада бойитиш имконига эга.

У ҳозирча жаҳон профессионал теннисчилари рўйхатида 503-уринни эгаллаб турибди. Дмитрий ўз жамоадолшлари Олег ва Темур Ганиев, Вадим Куденко билан биогалида гўрдадан-тўри асосий сепларга қўйлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Темур Ганиев бир қатор сателлит турнирларда қатнашиб, анча тажриба ва дастлабки рейтинг оқчаларини олган бўлса, жамоадолшнинг энг би аҳоси Вадим Куденко энди 18 ёшга қаддам қўйди.

Шунга қарамай мураббийларимиз Вадимга ишорат қилибди, уни асосий сепларга қўйишга қарор қилишди.

«Буюк ипак йўли» сателлит турнирининг биринчи босқичи 13 майда ниҳоятга етди.

Айнан шу кунни Самарқандда турнирнинг иккинчи босқичи бошланади.

Ташкилотчиларнинг айтишича, бу ерда ҳам шарт-шароитлар ўтган йилгига нисбатан яхши.

Профессионал теннисчилар кўча Самарқандда бир hafta мобайнида ўзаро куч синашади.

Шундан сўнг «Буюк ипак йўли» қаровни Фарғона томон юз тугади.

Бу ерда янгидан бўлиб эгизлаётган теннис ишосоти ва кортлар спортчиларини илк марта ўз бағрига олади.

«Буюк ипак йўли»нинг финал босқичи, яъни «Мастерс» турнири пойтахтимиздаги «Юнусов» теннис кортларида 28 май — 4 июнь кунлари ўтказилади.

Бу ерда ҳам тайёрлик ишлари мейвасига етказилган.

Расул ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТДА: «БИЙ»-94 сателлит турнирининг биринчи босқичи қилиб Геральд Мандел (Австрия), Д. Михайлов сурапти олган.

Advertisement for '30' capsules. Text: 'Агар 30 ёшдан ошган бўлсангиз, унда 30+ сизга кувватдориси даркор!!!' Includes an image of a woman and a man.

Advertisement for 'Тридцать Плюс' capsules. Text: 'Тридцать Плюс кичик капсуласи ёрдамида сиз оғир иш кунидан кейин ҳам осмонўпар бинонинг сўнгги қаватигача югуриб чиқишга қодир бўласиз.' Includes an image of the product box.

Advertisement for 'Озиковқатсаноатлоийҳа' (Oziko). Text: '60 йилдан ортиқ вақт мобайнида лойиҳалаштириш ишлари ва қурилиш жараёнини асбоб-ускуналар билан таъминлаш вазифаси билан шуғулланган.' Includes a list of services and contact information.

Footer section with contact information for 'Халқ сўзи' newspaper. Includes address, phone numbers, and subscription rates.